2020 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши **54,6 %** ни ташкил этди.

2020-йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари-нинг сони ҳар 1000 аҳолига, **12,9** бирликни ташкил қилди.

2020 йилнинг январ-сентябрида **2962** та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **98,8** фоизга кам.




Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида 1047 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 674 та, саноат тармоғида 541 та, қурилиш тармоғида 219 та, яшаш ва овқатланишда 109 та, ташиш ва сақлашда 65 та ташкил этилган.

**Корхоналар сони тармоғ кесимида**



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи худудий маҳсулотнинг 54,6 фоизи (2019 йил январь-сентябрида 54,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1974,3 млрд.сўмни 20,4 фоиз фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2649 тани ташкил этди);

- 6008,2 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,2 фоизи фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2613 тани ташкил этди);

- 2397,1 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,5 фоизи) 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 98,6 фоизни ташкил этди;

- 2695,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,6 фоизи) (қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2243 тани ташкил этди);

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 9,9 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 90,3 фоизи),йўловчи айланмасининг эса 0,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,1 фоизи) фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 849 тани ташкил этди);

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,1 фоизи ёки 4637,1 млрд. сўми,хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 52,5 фоизи ёки 2401,7 млрд. сўми, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 5033 та

- 50,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,2 фоизи) 90,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 69,2 фоизи) (ҳисобот даврида 182 та кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳамда 370 таси томонидан импорт операциялари амалга оширилди).

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши**




| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм* | *кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Қишлоқ,ўрмон ва балиқ хўжалиги | 6008,2 | 98,2 |
| Саноат | 1974,3 | 20,4 |
| Қурилиш | 2695,8 | 92,6 |
| Чакана савдо | 4637,1 | 90,1 |
| Юк ташиш, *млнтн.* | 18,2 | 85,3 |
| Йўловчи ташиш, *млн.киши* | 93,1 | 96,4 |
| Экспорт, *млн. АҚШ долл.* | 50,7 | 20,2 |
| Импорт, *млн. АҚШ долл.* | 90,2 | 69,2 |

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши**
*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




2020 йил январь-сентябрь ойларида 2962 та кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2901 та) 83,5 фоизни ташкил этди.

| | |
|---|---|
| Савдо | 35,3% |
| Саноат | 18,3% |
| Қурилиш | 7,4% |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 22,8% |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 3,7% |
| Ташиш ва сақлаш | 2,2% |
| Ахборот ва алоқа | 1,7% |

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида (барча рўйхатдан ўтганларнинг савдо (35,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (22,8 %), саноат (18,3 %), қурилиш (7,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (3,7 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (2,2 %) ва ахборот ва алоқа (1,7 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши**
*(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)*




**Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони**
***(ҳар 1 000 аҳолига, бирликда)*** *январь-сентябрь ҳолатига*



**Шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони** *(ҳар 1 000 аҳолига, бирликда)*
*январь-сентябрь ҳолатига енг кўп курсаткич*




2020-йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига шаҳар ва туманлар бўйича энг кўп кўрсаткич Нукус туманида 23,8 бирлик, Қонликўл туманида 18,1 бирлик, Қораўзак туманида 17,6 бирлик, Мўйноқ туманида 17,0 бирлик, Тўрткўл туманида ва Нукус шаҳрида 15,6 бирлик, Бўзатов туманида 14,7 бирлик, Тахтакўпир туманида 14,2 бирлик, Шуманай туманида 13,6 бирлик, Элликқальа туманида 12,2 бирлик, Беруний туманида 11,4 бирлик, Кегейли туманида 11,3 бирлик, Чимбой туманида 10,1 бирликни ташкил этган.

Тахиатош туманида эса ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб 8,4 бирликка тўгри келди.

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми**

Шаҳар ва туманлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Нукус шаҳри (441,3 млрд. сўм), Элликқалъа (198,3 млрд. сўм), Беруний (150,5 млрд. сўм), Қўнғирот (143,8 млрд. сўм), Тўрткўл (150,2 млрд. сўм), Амударё (117,1 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Қонликўл (34,1 млрд. сўм), Бўзатов туманларида (15,1 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари**



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шаҳри (1175,3 млрд. сўм), Хўжайли (505,4 млрд. сўм) ва Беруний (483,3 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари**




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 54,6 фоизни ташкил қилиб, 2019 йилнинг мос даврига (54,2) нисбатан 0,4 фоизга кўпайди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Шуманай ва Мўйноқ (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0 %), Элликқалъа улуши (99,9 %), Беруний (83,8 %) туманларига ва энг паст улуши  Нукус шаҳри (8,0 %) тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Қораўзак (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 97,8 %), Хўжайли (97,1 %), Тахтакўпир (97,0 %), Қонликўл (96,7 %), Шуманай (96,7 %), Беруний (96,3 %), Нукус тумани (96,5 %), Кегейли (95,4 %) ва Тўрткўл (95,0 %) туманларига тўғри келди.

**2020 йилнинг III чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,**
*фоиз ҳисобида*




Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2020 йил III чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 51,9 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 27,3 фоизи қониқарли ва 20,8 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

**Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хулоса қилиш мумкин.